Охарактеризовать функциональное состояние эндотелия как важнейшую составляющую микроциркуляторного русла и выявить взаимосвязь между дисфункцией эндотелия (ДЭ) и воспалительным компонентом, показателями адаптации у больных ОА женщин.

#### Материалы и методы исследования

В исследовании принимало участие 78 пациенток в возрасте 50,5 $\pm$ 0,58 года с диагнозом «остеоартрит». Пациентки наблюдались на базе Многопрофильной клиники Ташкентской медицинской академии в отделениях артрологического СКАЛ и ревматологии и артрологии.

Контрольная группа в количестве 30 человек (средний возраст – 48 $\pm$ 0,45 года) была составлена из практически здоровых женщин, без характерных признаков остеоартрита.

В ходе исследования был изучен общеклинический статус пациенток, проведено инструментальное обследование, также были использованы специальные лабораторные методы: подсчет количества десквамированных эндотелиоцитов в плазме крови по методу Hladovec.

Методом иммуноферментного анализа на аппарате Stat Fax оценивалось функциональное состояние эндотелия в сыворотке крови. Также определялись такие показатели как уровень общего оксида азота, концентрации ВЭФР, MCP-1 и С-реактивного протеина (CRP) в сыворотке крови.

Статистическую обработку полученных данных проводили с помощью компьютерных программ Excel и STATISTICA 6.1.

При статистическом анализе для определения достоверности межгрупповых различий применяли критерий Стьюдента (t). Для корреляционного анализа применялся критерий корреляции Пирсона®, позволяющий определить, есть ли линейная связь между изменениями значений различных показателей (связь между показателями воспринималась как слабая – при  $r < 0,3$ , средней силы – при  $r$  от 0,3 до 0,7, сильная при  $r > 0,7$ ). Критический уровень достоверности нулевой статистической гипотезы принимали равным 0,05.

Результаты исследования и их обсуждение.

Синдром ЭД, диагностированный у обследованных пациенток с остеоартритом, проявляется следующими показателями: увеличение количества ДЭЦ, снижение NO, повышение концентрации ВЭФР (табл. 1).

Таблица 1

Сравнительный анализ показателей функционального состояния эндотелия у больных ОА и в контрольной группе

Показатели	Больные ОА (n=78)	Контрольная группа (n=30)	P
ДЭЦ,104/л	10,14 $\pm$ 6,86	3,02 $\pm$ 1,21	<0,001
VEGF,пг/мл	366,8 $\pm$ 256,1	158,86 $\pm$ 72,83	<0,001
NO, мкмоль/л	9,14 $\pm$ 1,25	29,43 $\pm$ 3,34	<0,001

Примечание: P-достоверность отличий в группах.

Также в группе наблюдения имеет место дисбаланс маркеров эндотелиальной дисфункции, приводящий к преобладанию вазоспазма и нарушениям на уровне микроциркуляторного русла.

CRP определялся у 30 больных женщин с ОА (средний возраст которых составил 43 $\pm$ 0,49 года), а средняя концентрация CRP в крови – 52,24 $\pm$ 33,58 мг/л. Значительное повышение CRP у больных остеоартритом женщин (до 52,24 $\pm$ 33,58 мг/л) по срав-

нению с группой контроля ( $p=0,03$ ) обнаружено в 47,6% случаев.

У пациенток с ОА в сыворотке крови повышен уровень цитокина MCP-1, являющегося хемотаксическим фактором для иммунокомпетентных клеток по сравнению с контрольной группой в 91,7% случаев:  $154,5 \pm 77,5$  и  $219,1 \pm 85,68$  пг/мл соответственно, что свидетельствует о наличии стимуляции макрофагального воспалительного ответа при остеоартрите (табл. 2).

Данные результаты показали адекватные возможности для диагностики синдрома эндотелиальной

дисфункции с высокой степенью валидности (табл. 3).

**Таблица 2**  
Содержание MCP-1 у больных ОА и в группе контроля

Показатели	Больные с остеоартритом (n=25)	Контрольная группа (n=13)	P
MCP-1, пг/мл	$219,1 \pm 85,68$	$154,5 \pm 77,5$	0,029

Примечание: P-достоверность отличий в группах.

**Таблица 3**

Тесты Точка	Разделения	Диагностическая специфичность, %	Диагностическая чувствительность, %	Диагностическая эффективность, %
ДЭЦ, 104/л	5	85,8	89,7	88,4
VEGF, пг/мл	80	79	89	80
NO, мкмоль/л	7	100	71,4	86,2

*Данные функционального состояния эндотелия у пациент диагнозом – остеоартрит*

Цитокин (MCP-1) специфичен для данной патологии, так как его диагностическая чувствительность составила 83,4%, диагностическая специфичность теста-76%, эффективность – 75%.

Установлена патогенетическая взаимосвязь между повреждением эндотелия и процессами неоваскулогенеза ( $r=+0,62$ ). Данная взаимосвязь усугубляет нарушение микроциркуляции при поражении суставов и вызывает прогрессирование деструкции хряща, над хрящевого матрикса. Вследствие повреждения эндотелия происходит нарушение выработки «дирижера кровообращения»- оксида азота. Снижение уровня оксида азота приводит к превалированию вазоспазма над вазодилатацией, что также усугубляет патологический процесс ( $r= - 0,56$  между ДЭЦ и NO).

Выявлена обратная взаимосвязь между маркером неоваскулогенеза и показателем вазодилатации ( $r=-0,45$ ). Данная взаимосвязь подтверждает, что нарушение микроциркуляторного звена является важнейшим элементом патогенеза. Взаимно связь между VEGF и MCP-1 ( $r=0,424$ ) доказывает, что прогрессирование воспалительного процесса в хряще, в синовиальной оболочке, над хрящевой части кости зависит от выраженности нарушения кровообращения на уровне микроциркуляции.

**Выводы.** Исходя из вышесказанного, можно сделать вывод, что на основе корреляционных зависимостей установлен патогенетический синергизм нарушений в микроциркуляции и в цитокиновом профиле.

Выявлено, что дискоординация показателей ДЭ ухудшается с нарастанием цитокинового каскада, то есть хронизация воспалительного процесса при остеоартрите создает благоприятный фон условия для синдрома сосудистых нарушений.

Непосредственно при этом доклиническим предиктором является моноцитарный хемотрактантный протеин-1, так как его концентрация повышена даже при отсутствии синовита.

#### Литература

1. Злобина И.А. Современные методы оценки качества жизни у больных остеоартрозом и остеопорозом // Современные проблемы здравоохранения и медицинской статистики. 2015. №1. С.45-52.
2. Попова Л.А., Ваизова О.Е. Современные представления о сосудистом эндотелии с позиции общей теории систем // Фундаментальные исследования. 2012. №2(2). С.328-332.
3. Сторожаков Г.И., Мерзликина Н.Н., Ильченко Л.Ю., Федоров И.Г., Терехина Н.Н., Панченко Л.Ф., Баронец В.Ю. Маркёры воспаления у пациентов циррозом печени с наличием инфекционных осложнений // Архив внутренней медицины. 2013. №1(9). С.69-73.
4. Щёктова А.П., Невзорова М.С., Савченко О.В., Высотин С.А., Сайфитова А.Т. Тревожно-депрессивные расстройства больных остеоартрозом женщин // Современные проблемы науки и образования. 2018. №4.
5. Занин С.А., Онищук В.В., Каде А.Х., Кадомцев Д.В., Пасечникова Е.А. «Цитокиновый шторм» в патогенезе ревматоидного артрита и деформирующего остеоартроза крупных суставов // Современные проблемы науки и образования. 2017. № 3.
6. Кабалык М.А., Суняйкин А.Б. Клинико-молекулярные взаимосвязи дислипидемии и метаболического фенотипа остеоартрита // Российский медико-биологический вестник имени академика И.П. Павлова. 2017. Т. 25. № 3. С.392-396.
7. Кабалык М.А. Молекулярные взаимосвязи сосудистого ремоделирования у больных остеоартритом с артериальной гипертензией // Вестник современной клинической медицины. 2017. Т 10. № 5. С. 29-34.
8. Забелло Т.В. Генетические аспекты развития остеоартроза // Фундаментальные исследования. 2015. № 1-9. С.1970-1976.
9. Elicabe R.J. Association between IL-17 and IgA in the joints of patients with inflammatory arthropathies. BMC

---

Immunology. 2017. no. 18. P.8. DOI:10.1186/s12865-017-0189-9.

10. Sagatova Dilnoza Rakhimovna. European Journal of Molecular medicine Volume 1 No.3 DOI 10.5281/OVERVIEW OF THE ADVANCED PATHOGENETIC FEATURES OF THE OSTEOARTHRITIS 3-17 стр.

11. Sagatova Dilnoza Rakhimovna World journal of advanced scientific research Modern Aspects Of The Pathogenetic Mechanisms Of The Osteoarthritis 29-47 стр. World J Adv Sci Res Vol. 4 Issue 4 July - August 2021

12. Malesud C.J. Negative Regulators of JAK/STAT Signaling in Rheumatoid Arthritis and Osteoarthritis. International Journal of molecular sciences. 2017.no18(3). P.484. DOI: 10.3390/ijms18030484.

### **РОЛЬ ЭНДОТЕЛИАЛЬНОЙ ДИСФУНКЦИИ В РАЗВИТИИ ОСТЕОАРТРИТА У ЖЕНЩИН В КЛИМАКТЕРИЧЕСКОМ ПЕРИОДЕ**

Набиева. Д.А., Сагатова. Д.Р.,  
Раджапов М.А., Муминова Н.И.

*Остеоартрит – патологическое поражение суставов, характеризуется структурными изменениями су-*

*ставного хряща и субхондральной кости, а также явно или незаметно протекающим умеренно выраженным синовитом. Остеоартрит представляет собой актуальную медико-социальную проблему для большинства стран мира из-за высокой распространенности, которая достигает около 25% населения. Данное заболевание наиболее часто встречается среди женщин и является одной из причин снижения трудоспособности и повышения инвалидности. При остеоартрите эндотелиальная дисфункция является компонентом микроциркуляторных нарушений. Десквамированные эндотелиоциты и васкулоэндотелиальный фактор роста являются главными показателями повреждения микроциркуляторного русла. Под воздействием провоспалительных цитокинов происходит дестабилизация гомеостаза в микроциркуляторном звене. Необходимым элементом в постановке диагноза «Остеоартрит» является обнаружение раннего маркера.*

**Ключевые слова:** остеоартрит, микроциркуляторный дисбаланс, оксид азота, моноцитарный хемоаттрактантный протеин.



## РЕВМАТОИД АРТРИТЛИ БЕМОРЛАРДА АНЕМИЯ ВА УНГА БАЗИС YALLIG'LANISHGA QARSHI DAVONING TA'SIRI

Nazarova K.X., Doliyev A.Y., Ashurov D.U., Usmonova Z.I.

## АНЕМИИ У БОЛЬНЫХ РЕВМАТОИДНЫМ АРТРИТОМ И ЛЕЧЕНИЕ БАЗИСНЫМИ ПРОТИВОВОСПАЛИТЕЛЬНЫМИ ПРЕПАРАТАМИ

Назарова К.Х., Долиев А.Ё., Ашуров Д.У., Усмонова З.И.

## ANEMIA IN PATIENTS WITH RHEUMATOID ARTHRITIS AND TREATMENT WITH DISEASE MODIFYING ANTI RHEUMATIC DRUGS

Nazarova K.X., Doliyev A.Y., Ashurov D.U., Usmonova Z.I.

*Toshkent tibbiyot akademiyasi*

*В данной статье рассматриваются особенности течения анемии у больных ревматоидным артритом и влияние базисной противовоспалительной терапии на течение анемии.*

**Ключевые слова:** ревматоидный артрит, анемия, базисные препараты, гемоглобин, сыворотка.

*This article discusses the characteristics of anemia in patients with rheumatoid arthritis and the impact of basic anti-inflammatory therapy on the course of anemia.*

**Keywords:** rheumatoid arthritis, anemia, basic drugs, hemoglobin, serum.

Ревматоид артрит (РА) - бирiktiruvchi to'qimalarning surunkali yallig'lanish kasalliklaridan biri bo'lib, progressiv eroziv artrит va ichki organlarning shikastlanishi bilan birga keladi, bu esa bemorlarning hayot sifatining pasayishiga, erta nogironlik va o'limning oshishiga olib keladi [1, 4, 6-9].

Anemiya RA ning eng keng tarqalgan ekstra-artikulyar ko'rinishlaridan biridir. RAda gemoglobin (Hb) kamayishining eng ko'p uchraydigan sabablari surunkali kasalliklar anemiyasi (SKA) va temir tanqisligi anemiyasidir (TTA) [2].

Yallig'lanish sitokinlari surunkali kasalliklar anemiyasi patogenezining asosiy mexanizmlarini ishga soladi, natijada ingichka ichakda temirning so'rilishi buziladi, makrofaglar tizimida temir ionlari to'planadi, ferritin ishlab chiqarish ko'payadi, shuningdek eritropoetin (EPO) ishlab chiqarish kamayadi va uning biologik faolligining pasayishi kuzatiladi [3, 5].

RA va anemiya bilan og'rigan bemorlarda anemiyaning diagnostikasi va terapevtik taktikaning ba'zi savollari hali ham ochiqlicha qolmoqda [4, 9].

**Tadqiqot usullari.** Tadqiqot Toshkent tibbiyot akademiyasi ko'p tarmoqli klinikasida statsionar, hamda ambulator sharoitda davolangan 68 ta bemorlarda o'kazildi. Ulardan 54 (80,6%) tasi ayollar va 14 (19,4%) tasi erkaklar edi. Bemorlar yoshi 24 yoshdan 80 yoshgacha bo'lib, o'rtacha yoshi  $52,7 \pm 14,0$  ni tashkil etgan. RA bilan kasallangan bemorlardan 7 (10,4%) nafariga birinchi marta bu tashxis qo'yilgan, kasallikning o'rtacha davomiyligi  $5,9 \pm 8,3$  yilni tashkil etadi. Ro'yxatga olingan RA tashxisi qoyilgan bemorlardan seropozitiv variant 52 (76,5%) nafar bemor, seronegativ - 16 (23,5%) nafar bemorni tashkil etdi. RAning klinik bosqichiga qarab, RA tasnifiga ko'ra taqsimlanishi quyidagicha edi: juda erta I bosqich (6 oygacha) -5 (7,3%) bemorlar, erta bosqich (6 oy -1 yil) - 12 (17,6%) nafar, ifodalangan bosqich (1 yildan ortiq, RA ning tipik belgilari) -28 (41,6%) bemorlar va kech bosqich (2 yil va undan ko'p, rentgen o'zgarishlar va RA asoratlari) -23 (38,5%)

bemorda qayd etilgan. Tadqiqot guruhidagi bemorlarda DAS28 indeksi bo'yicha faollik darajasi taqsimoti quyidagicha boldi: past darajasi 4 (5,8%) bemorda, o'rtacha - 28 (41,2%), yuqori - 36 (53%) bemorda qayd etildi.

Umumiy qon tekshiruvi gematologik avtomatik analizatorida o'tkazilib, leykotsitlar, gemoglobin darajasi (HbD), eritrotsitlar va eritrotsitlar tarkibidagi o'rtacha gemoglobin miqdori (EO'GH), eritrotsitlar miqdori, eritrotsitlardagi gemoglobinning o'rtacha kontsentratsiyasi (EO'GH), eritrotsitlar anizotsitozining ko'rsatkichi (EA) aniqlandi. Ferrokinetikani baholash uchun zardobdagi temir, ferritin aniqlash bo'yicha tadqiqotlar o'tkazildi. Qon zardobida temirning kontsentratsiyasi, C-reaktiv oqsil (CRO)ning tarkibi "Mindray" biokimyoviy yarim avtomatik analizatorida "HUMAN" (Germaniya) tomonidan ishlab chiqarilgan to'plamlar yordamida aniqlandi.

**Tadqiqot natijalari.** Tadqiqot guruhidagi RA li bemorlarda Hb kamayishining asosiy sabablari 70,6%da SKA va 29,4%da temir tanqisligi anemiyasi bo'ldi. SKA bilan og'rigan bemorlarda va temir tanqisligi aniqlangan bemorlarda ko'proq seropozitiv variant, kech klinik bosqich va IV rentgenografik bosqich aniqlandi. Temir tanqisligi anemiyasi bo'lgan guruhdagi bemorlarda kasallikning faolligi past va o'rta darajasi ustunlik qildi. Ammo SKA guruhida kasallikning yuqori faolligi kuzatilib, kasallik faolligi past bo'lgan bemorlar bo'lmadi.

Bu bemorlarga bazis yallig'lanishga qarshi dorilar buyurildi. Monoterapiya sifatida, yoki sulfasalazin, yoki boshqa bazis yallig'lanishga qarshi davo (BYQD) bilan birgalikda qo'llaniladigan metatreksat bemorlarning tadqiqot guruhida asosiy dori bo'ldi. RAda SKA dasturida anemiyaning kechishini baholash uchun 6 oydan keyin 38 bemor tekshirildi. Tadqiqotda 6 oydan keyin kuzatilgan bemorlar guruhidan, faqat 28 (73,7%) nafar bemor BYQD ni muntazam ravishda qabul qilgan. BYQD bilan davolashni rad etish yoki to'xtatishning asosiy sabablari davolanishga rioya qilmaslik, terapiya xavfsizligini nazorat qila olmaslik va preparatni sub'ektiv ko'tara olmaslik edi. Davolash terapiyasi samaradorligini bahol-

ash EULAR mezonlariga muvofiq DAS28 indeksidan foydalangan holda amalga oshirildi [11].

6 oydan keyin RA ning klinik va laborator ko'rsatkichlarining dinamikasi 1-jadvalda keltirilgan. RA faolligining OBS, SHBS, DAS28, ECHT kabi ko'rsatkichlari va fibrinogen, SRO darajalari ham ishonchli darajada pasaygan. Bundan tashqari, 6 oydan so'ng BYQD ta'sirida trombositlar darajasining ham ishonchli darajada pasayishi kuzatildi.

RAda temir tanqisligi aniqlangan bemorlar guruhidan dastlabki tekshiruvda 6 oydan keyin BYQD bi-

lan parallel ravishda temir preparatlari bilan terapiya olgan 11 (68,75%) bemor tekshirildi. Temir tanqisligi bilan og'riqan bemorlarda RA ning klinik va laborator ko'rsatkichlari dinamikasi ham shu jadvalda keltirilgan. Dastlab, ushbu guruhdagi 9 (81,8%) bemorlarda RA faolligi past va o'rtacha bo'lgan. Faqat 1ta bemor DAS28 indeksi dinamikasiga ko'ra 6 oydan so'ng bazis terapiyaga qoniqarli javob berdi. Bu guruhdagi qolgan bemorlar bazis terapiyaga "javob bermadilar" va RA ning klinik va laborator ko'rsatkichlarida sezilarli o'zgarishlar aniqlanmadi.

### 1-jadval

#### RAli bemorlarda BYQD, ferroterapiya samaradorligiga ko'ra klinik va laborator ko'rsatkichlarning dinamikasi

Ko'rsatkichlar	RA+SKA (n=28)		RA+TTA (n=11)	
	Dastlab	6 oydan so'ng	Dastlab	6 oydan so'ng
OBS	14,6±7,0	5,8±4,4***	8,6±4,8	8,4±1,1
SHBS	7,2±4,5	1,8±1,2	2,7±1,8	4,1±2,7
VASH, mm	54,8±17,4	38,5±24,4	39,3±16,3	38,4±11,8
Ertalabgi karaxtlik, (min)	230,0 (50,0-710,0)	110,0 (25,0-230,0)	61,0 (30,0-120,0)	46,0 (0,0-120,0)
DAS28	6,08±0,90	4,47±0,88***	4,4±0,7	4,6±0,5
Leykosit, 109/l	6,6±2,3	7,4±2,9	8,8±3,4	8,1±2,5
Trombosit,109/l	466,5±142,6	280,8±113,7**	326,7±102,5	288,0-85,7
ECHT, mm/s	57,4±15,9	37,8±11,5*	26,6±18,5	21,1±12,7
SRO, mg/ml	97,0 (49,0-192,0)	47* (47,0±47,0)	13,0 (6,0-98,0)	25,0 (12,0-99,0)
Fibrinogen, g/l	7,6 (6,8-7,6)	5,2 (4,1-5,5)*	4,5 (3,2-4,7)	4,6 (3,4-4,7)

**Izoh:** Dastlabki ko'rsatkichlar bilan taqqoslaganda farqlarning ishonchiligi jadvalda qayd etilgan \* -  $p < 0,05$ , \*\* -  $p < 0,01$ , \*\*\* -  $p < 0,001$ .

6 oydan keyin BYQD terapiyasi ta'siriga qarab, SKA bilan og'riqan bemorlarda gematologik va ferrokinetik

parametrlarning dinamikasi 2-jadvalda keltirilgan. Bu guruhda Hb ishonchli darajada oshgan.

### 2-jadval

#### RAli bemorlarda BYQD, ferroterapiya samaradorligiga ko'ra anemiyaning laborator ko'rsatkichlari dinamikasi

Ko'rsatkichlar.	RA+SKA (n=28)		RA+TTA (n=11)	
	Dastlab	6 oydan so'ng	Dastlab	6 oydan song
Hb, g/l	98,8±14,5	124,6,8±10,5***	98,0±9,4	110,1±4,6*
Eritrosit, 1012/l	3,8±0,5	4,3±0,2*	4,3±0,5	4,5±0,3
Erit o'rtacha hajmi, Fl	26,2±0,7	29,6±2,7*	23,5±3,7	26,5±2,5*
Eritrositlardagi gemoglobinning o'rtacha kons, pg	84,7-9,3	86,5-5,2	78,2±7,3	82,3±6,4
Temir, mkmol/l	5,0(3,8-8,1)	12,1(6,1-19,8)*	4,3(5,3-8,5)	8,0(8,0-14,0)*
Ferritin, ng/l	227 (78,8-393)	130 (24,9-142,0)*	5,2 (4,4-7,6)	7,0* (7,0-12,0)

**Izoh:** Dastlabki ko'rsatkichlar bilan taqqoslaganda farqlarning ishonchiligi jadvalda qayd etilgan \* -  $p < 0,05$ , \*\* -  $p < 0,01$ , \*\*\* -  $p < 0,001$ .

6 oydan keyin bu guruhdagi bemorlarda Hb darajasining oshishi va bazis terapiya natijasida eritrotsitlar indeksi EO'H va plazmada temirining ishonchli darajada oshishi bilan kuzatildi. 6 oydan keyin

nazorat vaqtida guruhdagi bemorlarda davom etayotgan terapiya fonida, ferritin darajasining ishonchli darajada pasayishi qayd etilib, bu asosiy kasallik faolligining pasayishi bilan bog'liq.

**Muhokama va xulosalar.** Yallig'lanish jarayonining faolligini pasayishiga olib kelgan samarali bazis yallig'lanishga qarshi terapiya RA bilan og'rigan bemorlarda SKA ni davolashda hal qiluvchi rol o'ynadi. Tizimli glukokortikosteroidning tayinlanishi ham terapiyaning dastlabki 6 oyida RA li bemorlarda anemiyani bartaraf etishga katta hissa qo'shdi.

Temir preparatlari bilan davolash paytida, Hb darajasining ishonchli darajada oshishi, eritrotsitlar, zardobda temir va ferritinning o'rtacha hajmi oshishi kuzatildi. Biroq, temir tanqisligi bo'lgan RAli bemorlarda ferrotterapiya va samarasiz BYQD terapiyasi bilan anemiyani to'liq davolab bo'lmadi.

RA kabi immun-yallig'lanish kasalligi fonida aniqlangan temir tanqisligi bo'lgan bemorlarda anemiya sindromini bartaraf etishda ferrotterapiyani kiritish samarali bo'ldi. Shu bilan birga, temir tanqisligi anemiyasi guruhida kasallikning past faolligi ustunlik qildi va bemorlarning ko'pchiligi bazis terapiyaga qoniqarsiz javob berdi. RA li bemorlarda yuqori faollik fonida temir tanqisligi anemiyasi bo'lganda temir preparatlarini tayinlash bilan Hb darajasining oshishi qayd etildi. Ushbu natijalar temir tanqisligi belgilarining diagnostik ahamiyatini yana bir bor tasdiqlaydi. Temir tanqisligi anemiyasi aniqlanganda ferrotterapiyani kiritish, kasallikning faolligidan qat'iy nazar oqlandi.

Shunday qilib, yallig'lanish jarayonining faolligini pasayishiga olib kelgan samarali bazis yallig'lanishga qarshi terapiya RA bilan og'rigan bemorlarda SKAsini davolashda hal qiluvchi rol o'ynadi. Shu bilan birga temir tanqisligi anemiyasi niqlangan bemorlarda anemiya sindromini davolash uchun ferrotterapiyani kiritish ham samarali ekanligi isbotlandi.

#### **Adabiyotlar:**

1. Козловская Л.В., Рамеев В.В., Чеботарева Н.В., и др. Анемия хронических заболеваний // Врач. - 2016. - № 4. - С.

17-20.

2. Герцог О.А., Сизиков А.Э., Коненкова Л.П., и др. Клинико - иммунологическая характеристика больших ревматоидный артритом с анемией // Научно-практич. ревматол. - 2017. - № 1. - С. 28-33.

3. Демихов В.Г., Морщакова Е.Ф., Павлов А.Д. Роль гепсидина в патогенезе анемии хронических заболеваний // Гематол. трансфузиол. - 2012. -Т. 51.-№5.-С. 31-34.

4. Каратеев Д.Е., Олюнин Ю.А. О классификации ревматоидного артрита // Научно-практич. ревматол. - 2011. - № 1. - С. 5-16.

5. Мазуров В.И., Лиля А.М. Особенности анемического синдрома у больных ревматоидным артритом и системной красной волчанкой // Мед. академ. журнал. - 2006.

6. Мазуров В.И. (ред.) Клиническая ревматология: руководство для врачей. - СПб: Фолиант, 2005.

7. Beutler E., Waalen J. The definition of anemia: what is the lower limit of normal of the blood hemoglobin concentration? // Blood. - 2006.

8. Насонова В.А., Насонов Е.Л. (ред.) Ревматология: национальное руководство. — М.: ГЭОТАР-Медиа, 2008.45.

9. Weiss G., Meusburger E., Radacher G., et al. Effect of iron treatment on circulating cytokine levels in ESRD patients receiving recombinant human erythropoietin // Kidney Int. - 2003. — V. 64. - P. 572-578.

#### **РЕВМАТОИД АРТРИТЛИ БЕМОРЛАРДА АНЕМИЯ ВА УНГА БАЗИС YALLIG'LANISHGA QARSHI DAVONING TA'SIRI**

Nazarova K.X., Doliyev A.Y., Ashurov

D.U., Usmonova Z.I.

*Ushbu maqolada mualliflar tomonidan revmatoid artritli bemorlarda anemiyaning hususiyatlari, hamda anemiyaning kechishiga bazis yallig'lanishga qarshi terapiyaning ta'sirini baholash haqida so'z yuritiladi.*

**Kalit so'zlar:** revmatoid artrit, anemiya, bazis preparatlar, gemoglobin, zardob.



## РЕВМАТОЛОГИК КАСАЛЛИКЛАР БУЙРАК ЗАРАРЛАНИШИ БЎЛГАН БЕМОРЛАРДА ИҚЛИМТЕРАПИЯ АҲАМИЯТИ (адабиётлар шарҳи ва шахсий изланишлар)

Наимова Ш.А.

## ЗНАЧЕНИЕ КЛИМАТОТЕРАПИИ У БОЛЬНЫХ С ПОРАЖЕНИЕМ ПОЧЕК ПРИ РЕВМАТОЛОГИЧЕСКИХ ЗАБОЛЕВАНИЯХ (обзор литературы и собственные данные)

Наимова Ш.А.

## SIGNIFICANCE OF CLIMATOTHERAPY IN PATIENTS WITH KIDNEY DAMAGE IN RHEUMATOLOGICAL DISEASES (review of literature and personal data)

Naimova Sh.A.

*Бухоро давлат тиббиёт институти,*

*Гематология ва клиник лаборатор диагностика кафедраси Бухоро, Ўзбекистон*

В исследовании реабилитационное лечение проводилось у больных ревматоидным артритом (РА) и анкилозирующим спондилоартритом (АС) с поражением почек. Во всех странах среди больных хроническими воспалительными заболеваниями суставов, ревматоидным артритом (РА) и анкилозирующим спондилоартритом (АС) снижается трудоспособность больных в связи с увеличением показателей инвалидизации. Значительная и высокая распространенность инвалидности у трудоспособных больных РА и АС требует разработки новых технологий, направленных на структурную трансформацию суставов, и разработки современных комплексных реабилитационных мероприятий, таких как передовой опыт, с учетом специфики отечественного здравоохранения.

**Ключевые слова:** ревматоидный артрит, анкилозирующий спондилоартрит, воспаление, поражение почек, хроническая болезнь почек, реабилитация, климатотерапия, ультразвуковая терапия.

*In the study, rehabilitation treatments were performed in patients with rheumatoid arthritis (RA) and ankylosing spondylitis (AS) with renal injury. In all countries, among patients with chronic inflammatory diseases of the joints, rheumatoid arthritis (RA) and ankylosing spondylitis (AS), the ability of patients to work is declining due to increased rates of disability. Significant and high prevalence of disability in able-bodied patients with RA and AS requires the development of new technologies aimed at structural transformation of joints and the development of modern comprehensive rehabilitation measures, such as best practices, taking into account the specifics of the national health care system.*

**Key words:** rheumatoid arthritis, ankylosing spondylitis, inflammation, kidney damage, chronic kidney disease, rehabilitation, climatotherapy, ultrasound therapy.

Хозирги вақтда РА билан касалланган беморларни даволашда янги фармакологик ёндашувлар ва схемалар билан бир вақтда тиббий, профессионал ва ижтимоий реабилитация муаммоларига ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Реабилитация -бу беморнинг функционал бузилишлар ва уларнинг салбий таъсирини енгишга, барча соҳаларда мустақиллик даражасини ошириш, ҳаётда ижтимоий мослашув ва жамиятга интеграция, оптимал иш қобилиятига эришишга қўмаклашувчи тиббий, таълим, ижтимоий ва касбий фаолиятни бирлаштирилган ва мувофиқлаштирилган дастур бўлиб ҳисобланади.

Тиббий реабилитациянинг асосий вазифалари бўлиб касаллик туфайли келиб чиққан функционал ва психологик бузилишларни, беморнинг жисмоний ва ижтимоий фаоллигини тиклаш ва уни атрофдаги дунёга мослашиш бўлиб ҳисобланади. Патологик жараённинг фаоллигини камайтирувчи фармакотерапийадан фарқли ўлароқ, тиббий реабилитация организмнинг ўз ҳимоя тизимининг стимуляциясига, соғлиқни ўз ҳолатига қайтаришга асосланади. Бунинг учун беморга турли нофармокологик ёндашувлардан фойдаланилиб, беморни психологик қўллаб қувватлаш ва ўқув дастурларидан тортиб

физиотерапия усулларида фойдаланишга қадар турли хил фармакологик бўлмаган усуллар қўлланилади [5,6].

Ревматоид артрит (РА) билан оғриган беморларни реабилитацияси замонавий ревматологиянинг энг қийин муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда. Унинг долзарблиги касалликнинг прогрессив кечиши, мушак-скелет тизимининг шикастланиш даражаси, меҳнатга лаёқатли одамларнинг энг кўп касалланиши, функционал қобилияти пасайишининг эрта бошланиши, касбий ва ижтимоий кўникмаларнинг йўқолиши, беморларнинг жисмоний ва психологик мослашувчанлигининг қийинлашиши, катта ногиронликларга олиб келадиган, умумий тиббий ва ижтимоий муаммо бўлган ката иқтисодий йўқотишларга сабаб бўлмоқда. [7,8].

РА беморларга дастлабки босқичдаги тиббий ёрдамни ташкил этиш жуда долзарб вазифадир. Агар эрта фаол дори терапиясига бўлган эҳтиёж кўплаб тадқиқотлар ва халқаро клиник кўрсатмалар билан тасдиқланган бўлса, буйрак зарарланиши билан кечувчи РА да реабилитация самарадорлиги масаласи ушбу касаллик учун юқори реабилитацияга эҳтиёж борлигига қарамай очиқ қолмоқда. [4,6]. Даволашнинг номедикаментоз усули реабилитат-



сион чора-тадбирлар қўллашнинг оптимал бошлаш муддати аниқланмаган.

Бугунги кунга келиб, жаҳон адабиётида РА ва АС касаллиги бўғимдан ташқари шакллари билан оғриган беморлар учун номекантоз усуллар ва комплекс реабилитация дастурларининг самарадорлиги бўйича тадқиқотлар деярли мавжуд эмас. РА ва АС беморларида нофармакологик усулларни қўллаш бўйича бир нечта клиник тавсияномаларнинг ҳулосалари ушбу усулларни ривожланган босқичда ўрганиш натижаларига асосланган. [9,12].

РА беморларни даволашда номедикаментоз усуллар кенг қўлланилади. Жаҳон маълумотларига кўра, РА билан касалланган беморларнинг тахминан 25-40% камида бир йил давомида номедикаментоз даволаш қабул қилишади [14,15]. Бу касаллик кечишини бошқаришда муҳим рол ўйнайди ва медикаментоз терапия учун зарур жиҳат бўлиб ҳисобланади [6,8]. РА билан касалланган беморларни даволашда энг яхши оқибатларга стационар ва амбулатор уй шароитида кўп тармоқли ёндашув асосида эришилади. [10,12]. Функционал ва ногиронлик нуқтаи назаридан ёмон оқибатга эга бўлган беморларда индивидуал, оилавий ва ижтимоий муаммолар хавфини камайтириш учун реабилитация чораларини иложи борича эрта бошлаш керак [5,13].

РАда қайта тикловчи ва реабилитация усули билан даволашнинг аҳамияти яллиғланиш жараёнига таъсир қилиши, функционал етишмовчилик пайдо бўлишининг олдини олиш ва деформатсияларнинг ривожланишини олдини олиш, кундалик уй-юмуш машғулотлар ҳажмини сақлаб қолиш, ўз-ўзига хизмат қилиш ва касбий иш қобилиятини, психологик ҳолатни тўғрилаш, беморни фаол ижтимоий шахс сифатида сақлаб қолиш ва ҳаёт сифатини яхшилаш [1-4] да намоеён бўлади.

РА беморларини даволаш ва реабилитациясида жисмоний омиллар алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, бу маҳаллий яллиғланиш жараёнининг якуний натижаларига таъсир ўтказиш имкониятидан иборат. Маҳаллий қўлланилганда улар бўғимлардаги патологик жараённинг асосий қисмига таъсир қилади. Аввало, бўғим ва бўғим атрофи тўқималарда склеротик ва фибротик жараёнлар мушак-скелет тизимидаги пролифератив ўзгаришлар натижасида юзага келган бўғимларнинг дефигуратсияси ва деформациясига сабаб бўлади. Бу мушак-скелет тизимининг локомотор вазифаси турли хил бузилишларга ҳам тегишли - оғриқ контрактуралари, амётрофия ва бошқалар. РА билан оғриган беморларни даволаш ва реабилитация қилишда аниқ симптоматологиясига қарамай, бўғим патологиясида маҳаллий физиотерапиянинг аҳамияти жуда катта.

Ультратовуш терапияси (УТТ) ультратовуш частотасининг механик тебранишлари билан даволаш (16000 Hz дан ортиқ), бу ультра юқори частотали (0,7 MGts-3 MGts) ўзгарувчан электр майдонида пиезо кристал деформатсиясининг тескари пиезоэлектрик таъсири туфайли ҳосил бўлади. 20 kHz дан юқори частотали механик тебранишларга ультратовуш дейилади. Терапия учун 800 kHz дан 3 MGts

гача, 1,5 мм тўлқин узунлиги билан частоталар қўлланилади. Ультратовуш деярли ҳавода тарқалмайди. Ультратовуш физиотерапевтик технология сифатида қйта тиклаш тиббиётнинг клиник амалиётида кенг қўлланилади. Ушбу физиотерапия усули юқори частотали товуш тебранишларидан фойдаланишга асосланган (0,7 дан 3,5 MGts гача). Ультратовуш (УТ) - бу нафақат тўқималарнинг, балки алоҳида хужайраларнинг ҳам микроқалашини таъминлашига қодир бўлган ягона жисмоний омил. Агар уқалаш ва буйрак касалликлари ўртасидаги боғлиқлик ҳақидаги илмий мақолаларга эътибор қаратсак, уларнинг аксарияти мумкин бўлган хавф-омилларига бағишланган ва жуда оз миқдордаги мақолалар турли хил буйраклар муаммолари учун уқалашнинг афзалликларига бағишланган. Бироқ, ўсиб бораётган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, профессионал равишда амалга оширилган уқалаш буйрак муаммолари билан боғлиқ бир қатор белгиларни бошқаришга ёрдам беради. Бундан ташқари, уқалаш тинчланиш ва бўшашиш ҳисси учун масъул бўлган парасимпатик асаб тизимининг фаоллигини оширади ва стрессли вазиятларда пайдо бўладиган ва психологияда «ур ва югур» деб номланадиган жавобни фаоллаштирадиган симпатик нерв тизимини «ўчиради». Бу қон босимини, яллиғланиш жараёнларининг интенсивлигини пасайтиради ва кайфиятни яхшилайди.

Яллиғланиш жараёнининг паст фаоллиги ва олигоартикуляр зарарланиши бўлган беморларда машқлар терапияси қатъий шахсийлаштирилган (юқори танловчанлик) тамойилларига асосланади.

Шуни таъкидлаш керакки, тиббий реабилитация усулларидан фойдаланиш фақатгина уларни дори терапияси билан оқилона комбинациялашган тақдирда самарали бўлиши мумкин бўлади. Афсуски, ҳозирги кунга қадар РА да номедикаментоз усулларининг шахсийлаштирилган тизим ишлаб чиқилмаган. Ушбу тизимни яратиш - ревматологлар ва реабилитологларнинг бўғимлар ва умуртқа поғоналарининг энг кенг тарқалган ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган касалликларини даволашни такомиллаштириш йўлидаги ишларини бирлаштириши керак бўлган долзарб илмий йўналишдир [3,5].

Шундай қилиб, физиотерапия, даволаш машқлари ва уқалашдан фойдаланиш дори терапияси билан бирга биринчи навбатда РА бўлган беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга қаратилган даволаш ва реабилитация тадбирларидан ташкил топган пирамиданинг асосини ташкил этади.

Шуни таъкидлаш керакки, номедикаментоз усулларнинг самарадорлигини баҳолаш деярли кутбсиз характерга эга ва турли терапевтик йўналишлар вакиллари ўртасида қизгин мунозараларга сабаб бўлади. Бу физиотерапиянинг терапевтик таъсири платсебо (ПЛ) билан таққосланадиган рандомизирланган бошқариладиган тадқиқотларни (РКТ) ташкил қилишнинг мураккаблиги билан боғлиқ. Аммо далилларга асосланган тиббиётнинг асосини платсебо назорати остида олиб бориладиган тадқиқотлар ташкил этади ва муайян тиббий ара-

лашувнинг терапевтик таъсири тўғрисидаги фикри шаклланади [2,17].

Иқлимтерапия (иқлим + грекча терапия да-волаш) - маълум бир минтақанинг метеорологик омиллари ва иқлим хусусиятлари таъсирдан терапевтик ва соғломлаштириш мақсадларда фойдаланиш бўлиб, бунда тиббий климатология, климатофизиология ютуқлари асосида ва клиник маълумотлар ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилади. Климатотерапиянинг бошқа даволаш усуллари билан фарқи шундаки, иқлим омиллари инсон танаси учун табиий таъсирланувчи бўлиб, бунга жавобан эволюция жараёнида турли хил тартибга солиш механизмлари ишлаб чиқилган: терморегуляция тизими - совутишга ва ҳаддан ташқари қизиқ кетишга жавобан гистамин ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган нейрогуморал тартибга солиш механизмлари, ва ҳоказо. Бу климатотерапияни организмнинг ҳаётий фаолиятини рағбатлантиришнинг биологик асосли воситаси бўлиб ҳисобланади. Таъсир асосида умумий физиологик (носпесифик) ва патогенетик (махсус) механизмлар ётади [16,17].

«Ситора ва Мохи-Хоса» бу иқлимий санаторий бўлиб, Бухородан 9 км шимолда, гўзал паркда, денгиз сатҳидан 275 м баландликда жойлашган. Бухоро амирининг собиқ ёзги саройи биноларида жойлашган бўлиб, Бухоронинг иқлим хусусиятлари Байрам Али зонаси билан деярли бир хил ва буйрак касалларини даволаш учун иқлимий курортларга қўйиладиган талабларга жавоб беради. Апрельдан октябргача Бухорода ўртача мавсумий ҳарорат 22,9 (Байрам Алида, 23,1), кунлик ҳарорат ўзгаришларининг ўртача мавсумий амплитудаси 14,5 (Байрам Алида, 15,7). Ўртача мавсумий нисбий намлик 39% (Байрам Алида 38%), шамолнинг ўртача мавсумий тезлиги 3,7 м/с (Байрам Алида 2,7м/с). Ёзнинг максимал ҳарорати ўртача нисбий намлик 20% бўлган 45 ° га этади. «Ситораи Мохи-Хоса» санаторийсининг иқлими даволаш мавсуми (майдан сентябргача), юқори инсоляция, қуруқ ҳаво, юқори ҳарорат билан ажралиб туради. Бухорода 20 даражадан юқори ҳаво ҳарорати 5 майдан 17 сентябргача, яъни 131 кун, Байрам-Али эса 147 кун давомида кузатилади. Бухорода ёзда ўртача нисбий намлик 39% ни ташкил этади (энг кўпи январда - 64% ва июлда минимал -17%), Байрам эса Али -36%. Бухорода илиқ мавсумда шамолнинг ўртача тезлиги 4 м / с ни ташкил қилади. Санаторий ҳудудида йиллик ёғингарчилик 35 мм, майдан сентябргача атиги 19 мм ёғингарчилик бор. Бухорода ёзда асосий об-ҳаво 1-синф (қуёшли, жуда иссиқ ва қуруқ) ва 2-синф (қуёшли, иссиқ ва қуруқ) бўлиб ҳисобланади. Июл ойида 1-синф об-ҳавоси ўртача 22 кун, Байрам-Алида эса бу об-ҳаво июлда ойига ўртача 26 кун кузатилади. Дам олиш масканининг асосий даволовчи омил иқлим иссиқ ва жуда қуруқ об-ҳавонинг устунлиги билан ажралиб туради [4, 14].

СБК билан оғриган беморларни сурункали гломерулонефрит (СГ) фонида реабилитация қилиш климатотерапияга асосланган [6,8]. Энг кўп мос келувчи чўлларнинг иқлимий курортлари бўлиб ҳи-

собланади, бу санаторийларнинг қуруқ ва иссиқ ҳавоси терлашни кучайтиради. Тер билан биргаликда азот метаболизмининг оралиқ маҳсулотлари ҳам ажралиб чиқади, бу эса буйраклар фаолиятини осонлаштиради. Бундай тушириш туфайли буйрак қон оқими яхшиланади, коптокча филтрация даражаси (КФТ) кучаяди ва сийдик синдроми пасаяди. Буйраклар фаолияти яхшиланганлиги туфайли қон плазмасининг электролитлар таркиби тикланади [1,15]. Буйракларнинг чиқарувчи функциясини ошиши орқали қон босими пасаяди, юрак фаолияти яхшиланади. Натрий хлор (20 г / л) билан ўтирадиган ёки умумий ҳаммомлардан фойдаланиш мумкин; сув ҳарорати 37-38 ° С бўлган кун ора, жами 8-10 муолажа қабул қилиниши мумкин. Уларнинг таъсири остида буйрак функцияси сезиларли даражада яхшиланади, сийдик кислотасининг клиренси ошади, сийдик миқдори кўпаяди, бу эса урат тузларининг организмдан чиқарилишини кўпайишига олиб келади. Ушбу ванналар йўлдош касалликларга эга беморларга ҳам кўрсатилади: юрак ишемик касаллиги, гипертония, липид алмашинуви бузилиши.

Биринчи муолажа тахминан 20 дақиқа давом этади, сўнгра машғулотлар давомийлиги ҳар кун 10 дақиқага кўпайтирилади ва пулс, қон босими ва тана вазнининг назорати остида индивидуал сезувчанликка қараб 40-60 дақиқача оширилади. Ҳафтада бешдан ортиқ муолажа ўтказилмайди. Иссиқ иқлим шароитида даволаш организмни десенсибилизациялашга ва буйрак тизими захираларини сафарбар қилишга қаратилган патогенетик усул ҳисобланади.

Иқлимнинг бемор танасига таъсири ўзига хосдир. Шу билан бирга, турли иқлим омилларининг одамларга таъсири жуда кўп умумий хусусиятларга эга, чунки уларнинг барчаси асосий биологик жараёнларнинг бориши-терморегуляция, иссиқлик алмашинувини ўзгартиради. Муайян иқлим шароитида бўлиш танадаги жисмоний омиллар таъсирига реакцияларда маълум бир стереотипини ривожлантиради. Шунинг учун иссиқ иқлимли жойларга кўчиб ўтишда стереотип ўзгариши билан бирга патологик реакциялар йўқолиши мумкин. Иссиқ иқлим ҳам организмнинг реактивлигини ўзгартириш хусусиятига эга [4,11]. Иссиқ иқлимнинг буйрак усти беши тизимига таъсири баъзи физиологик жараёнларнинг ўзгаришига олиб келади. Термал нурланишдан ташқари, муҳим қуёш нурланиши терига ва асосий тўқималарга фотохимёвий ва кимёвий таъсир кўрсатади, бу бутун танага таъсир қилади. Ўзбекистоннинг иқлим минтақаларида ҳаво ионизатсияси катта аҳамиятга эга бўлиб, оксидланиш-қайтарилиш жараёнлари, қон томир тонуси ва иммунологик реакциялар ўзгаришига олиб келади. Иқлимнинг бундай хилма-хиллиги ва унинг алоҳида таркибий қисмлари унинг барча даволовчи хусусиятларидан мақсадга мувофиқ фойдаланиш зарурлигини тақозо этади. «Ситораи Мохи-Хоса» санаториясида климатотерапия пайтида ултрабинафша нурлар таъсирида беморларнинг танаси десен-

сибилизациясига учрайди, бу касаллик жараёнини барқарорлаштириш ёки тугатишга ёрдам беради.

Тадқиқотимизда қуруқ иссиқ иқлим шароитида ревматоидли артрит ва анкилозловчи спондилоартрит касалликларида буйрак зарарланишини хавф омилларини ўрганиш ва унинг фаолиятини такомиллаштиришда реабилитация усулларининг самарадорлигини ўрганиш учун 125 юқоридаги патология беморлари текшириб, баҳоланди. Илмий тадқиқотнинг 1-босқичини ревматоидли артрит ва анкилозловчи спондилоартрит беморларида буйрак зарарланиши даражаси ва хавф омилларини ўрганиш бўлганлиги сабабли, барча беморлар буйрак зарарланиши ва буйрак зарарланишисиз гуруҳларига, касалликнинг давомийлиги, фаоллиги ва беморлар ёшига кўра бир неча гуруҳларга бўлиниб, буйрак зарарланиши кўрсаткичлари қиёсланди. Ишнинг 2 босқичида буйрак зарарланиши аниқланган РА ва АС беморларда стандарт даво ҳамда стандарт даво + УЗТ, ЛФК (УТТ, ДЖМ) ва массаж физиотерапия ва “Ситораи Мохи-Хосса” санатор-курорт даволаш муассаси иқлимтерапиясининг таъсири таққосланган ҳолда ўрганилди. Тадқиқотлар 10 ой мобайнида ўтказилди. СБК ташхисини қўйишда касаллик диагностика маркерлари таҳлили 3 ой давомида такрор ўтказилди.

Илмий тадқиқотимиз доирасида даволаш терапиясидан сўнг физик, механик ва иқлим факторлари – УТТ, ДЖТ, уқалаш ва санатор-курорт даволаш РА касаллиги асосий клиник белгиларнинг аҳамиятли яхшиланишига сабаб бўлди. Беморлар умумий аҳволи яхшиланди, эрталабки қарахтлик давомийлиги қисқарди, оғриқлар интенсивлиги пасайиши кузатилди ( $p < 0,01$ ). Яхшиланиш таъсири одатда, 5-7 муолажадан сўнг бошланиб, даволанишнинг охирида кучайиб борди. Ижобий таъсир I, II фаоллик даражасида III фаоллик нисбатига нисбатан қисқа муддатдан сўнг намоён бўлди. Бизнинг тадқиқотда реабилитацион муолажалардан сўнг ҳаракатда ва пальпацияда 86% беморларда кузатилди. Маҳаллий яллиғланиш фаоллигининг камайиши 62% беморларда аниқланиб, бу бўғимларда экссудатив жараёнларнинг пасайишидан далолат беради. Беморларда эрталабки қарахтлик 96% га пасайди. Кўпгина беморларда зарарланган бўғимлар функцияси экссудатив жараёнларнинг пасайиши ва йўқолиши ҳисобидан (78%) оғриқ контрактураларининг пасайиши (59%) кузатилди.

ХОТИМА. Комплекс равишда олиб борилган реабилитация табиатан мураккаб бўлиб, юқори фаолликни максимал даражада пасайишига ва касаллик кўзғалиши олдини олишга, шунингдек касалликнинг асосий аломатларини йўқ қилишга қаратилган. Иқлимтерапия фонида комплекс даволаш усулларидан фойдаланиш касаллик фаолиятининг клиник кўринишлари оғирлигини пасайишига олиб келди. Беморларнинг клиник ҳолатини баҳолаш учун бундай асосий кўрсаткичларга кўра ВАШ бўйича оғриқнинг интенсивлиги, эрталабки қарахтлик давомийлиги, ВАШ бўйича касалликнинг оғирлиги ва жисмоний машқлар ёрдамида даволашнинг аф-

залликлари ишончли қийматларга эга бўлиб ҳисобланади. Яллиғланишнинг ўткир фазаси лаборатор кўрсаткичлари, шу жумладан ЭҚТ, С-реактив оқсил, гемоглобин, ревматоид омил титри, жисмоний реабилитация усулидан қатъий назар бир хил қиймат чегарасида ўзгарган.

### Адабиётлар

1. Насонов, Е. Л. Российские клинические рекомендации. Ревматология / Е. Л. Насонов - Москва : ГЭОТАР-Медиа, 2017. - С 39.
2. Сухарева МЛ, Дубинина ТВ, Эрдес ШФ, Агасаров ЛГ. Проблемы применения принципов доказательной медицины в медицинской реабилитации ревматических заболеваний. Научно-практическая ревматология. 2015;53(5):564-7
3. Пономаренко/ Г. Н. Библиография Медицинская реабилитация [Электронный ресурс]: учебник - М. : ГЭОТАР-Медиа, 2014. -С 196-203
4. Ветитнев А.М., Войнова Я.А. Организация санаторно-курортной деятельности: учебное пособие / А.М. Ветитнев, Я.А. Войнова. — М.: Федеральное агентство по туризму, 2014. — 272 с.;
5. Григорьева В.Д. Медицинская реабилитация больных с воспалительными заболеваниями суставов. В кн.: Медицинская реабилитация: Рук-во в 3-х т. Под ред. В.М. Боголюбова. Москва - Смоленск, 2007 ;т. 2: 207-76.
6. Burmester GR, Bijlsma JWJ, Cutolo M, McInnes IB. Managing rheumatic and musculoskeletal diseases – past, present and future. *Nat Rev Rheumatol.* 2017 Jul;13(7):443-8
7. Clauw DJ, Essex MN, Pitman V, Jones KD. Reframing chronic pain as a disease, not a symptom: rationale and implications for pain management. *Postgrad Med.* 2019 Jan 31:1-14.
8. Vliet Vlieland TP, Pattison D. Non-drug therapies in early rheumatoid arthritis. *Best Pract Res Clin Rheumatol.* 2009;23(1):103-116.
9. Gossec L, Dougados M. Do intra-articular therapies work and who will benefit most?. *Best Pract Res Clin Rheumatol.* 2006;20(1):131-144.
10. Luqmani R, Hennell S, Estrach C, et al. British Society for Rheumatology and british health professionals in Rheumatology guideline for the management of rheumatoid arthritis (the first two years). *Rheumatology (Oxford).* 2006;45(9):1167-1169.
11. Combe B. Early rheumatoid arthritis: strategies for prevention and management. *Best Pract Res Clin Rheumatol.* 2007;21(1):27-42.
12. Jakobi JM, Dempsey JA, Hellsten Y, Monette R, Kalmar JM. On the horizon of aging and physical activity research. *Appl Physiol Nutr Metab.* 2020;45(2):113-117.
13. Vander Cruyssen B, Ribbens C, Boonen A, et al. The epidemiology of ankylosing spondylitis and the commencement of anti-TNF therapy in daily rheumatology practice. *Ann Rheum Dis.* 2007;66(8):1072-1077.
14. Vliet Vlieland T.P.M., van den Ende C.H. Nonpharmacological treatment of rheumatoid arthritis. *Cur Opin Rheumatol* 2011;23.
15. Болтаев К.Ж., Ахмедова Н.Ш., Махмудова Л.И. Особенности изменения показателей тромбоцитарного гемостаза у больных с хроническими поражениями почек//Проблемы биологии и медицины. – 2015. - № 4. – С. 37.
16. Шаджанова Н.С., Эгамова С.Қ. Факторы риска острого инфаркта миокарда у больных молодого и среднего возраста// Журнал “Новый день в медицине”. – 2019. - № 2 (109). - С. 330 – 334.
17. McEntegart A, Morrison E, Capell HA, et al. Effect of social deprivation on disease severity and outcome in patients with rheumatoid arthritis. *Ann Rheum Dis.* 1997;56(7):410-413.

---

## РЕВМАТОЛОГИК КАСАЛЛИКЛАР БУЙРАК ЗАРАРЛАНИШИ БЎЛГАН БЕМОРЛАРДА

**ИҚЛИМТЕРАПИЯ АҲАМИЯТИ** (адабиётлар шарҳи ва шахсий изланишлар)

Наимова Ш.А.

*Тадқиқотда ревматоид артрит (РА) ва анкилозловчи спондилоартрит (АС) билан оғриган беморларда буйрак шикастланиши билан кечганда реабилитация муолажалари амалга оширилган. Барча мамлакатларда бўғимларнинг сурункали яллиғланиш касалликлари қаторида ревматоидли артрит (РА) ва анкилозловчи спондилоартрит (АС) оқибатида касалланиш, ногиронлик қўрсаткичлари ортиши натижасида беморларнинг ишга яроқлилиқ им-*

*кониятлари пасайиб бормоқда. Меҳнатга лаёқатли РА ва АС билан оғриган беморларда ногиронликнинг сезиларли ва юқори даражада тарқалиши, миллий соғлиқни сақлашни ташкил этишининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда, бўғимларнинг структуравий ўзгаришига қаратилган янги технологияларини ишлаб чиқишга ва энг яхши жаҳон тажрибаси каби замонавий комплекс реабилитация чора-тадбирларини ишлаб чиқишни тақозо этади.*

**Калит сўзлар:** ревматоидли артрит, анкилозловчи спондилоартрит, яллиғланиш, буйрак зарарланиши, сурункали буйрак касаллиги, реабилитация, иқлимтерапия, ультратовуш терапия



## КОМОРБИД ПАТОЛОГИЯЛАР БИЛАН РЕВМАТОИДЛИ АРТРИТДА ҲАЁТ СИФАТИНИНГ ЎЗГАРИШИ

Наимова Ш.А., Шаджанова Н.С.

## ИЗМЕНЕНИЕ КАЧЕСТВА ЖИЗНИ ПРИ РЕМАТОИДНОМ АРТРИТЕ С КОМОРБИДНЫМИ ПАТОЛОГИЯМИ

Наимова Ш.А., Шаджанова Н.С.

## CHANGES IN THE QUALITY OF LIFE IN RHEMATOID ARTHRITIS WITH COMORBID PATHOLOGIES

Naimova Sh.A., Shadjanova N.S.

Бухоро давлат тиббиёт институту, Ўзбекистон

*В статье оцениваются частота и система встречаемости коморбидных заболеваний при ревматоидном артрите (РА). Несмотря на внедрение современных методов лечения, заболеваемость и инвалидизация ревматоидным артритом (РА) среди хронических воспалительных заболеваний суставов увеличивается во многих странах мира. В настоящее время выявление ряда заболеваний у больных РА называется коморбидностью и является актуальным вопросом среди всех ревматологов. Также в данных случаях особое значение имеет не отдельные заболевания, а общая тактика лечения больного РА с множественной патологией.*

**Ключевые слова:** ревматоидный артрит, коморбидность, мультиморбидность, сердечно-сосудистые заболевания, качество жизни.

*The article evaluates the frequency and system of occurrence of comorbid diseases in rheumatoid arthritis (RA). Despite the introduction of modern methods of treatment, the incidence and disability of rheumatoid arthritis (RA) among chronic inflammatory diseases of the joints is increasing in many countries of the world. Currently, the identification of a number of diseases in patients with RA is called comorbidity and is a topical issue among all rheumatologists. Also, in these cases, not individual diseases are of particular importance, but the general tactics of treating a patient with RA with multiple pathologies.*

**Key words:** rheumatoid arthritis, comorbidity, multimorbidity, cardiovascular diseases, quality of life.

Касалликларни ташхислаш ва даволаш усуллари такомиллашгани сари аҳоли ўртача яшаш давомийлиги ўсиб бормоқда, бироқ бунда бир неча касалликларга эга беиорлар сони ҳам ошмоқда. Бир неча касалликларни бўлган беморларни баҳоловчи турли хил нозологик атамалар мавжуд. Инглиз адабиётларида бу “коморбидлик”, “мультиморбидлик”, рус адабиётларида эса – “хамроҳ касалликлар”, “полипатия”, “полиморбидлик” атамалари ишлатилади. Бир неча касаллик билан оғриган беморни ҳар томонлама баҳолаган пайтда уларнинг бир-бирига ўзаро таъсирини инобатга олиниши керак. Бундай ҳолларда алоҳида касалликларни эмас, балки бир неча патологиялари бўлган беморни даволаш мақсадга мувофиқ бўлиб ҳисобланади [1,2].

Аҳоли орасида энг кўп учровчи касалликларидан бири ҳисобланган ревматоидли артрит - умумий популяцияда тахминан 1% частота билан юзага келади, аёллар эркакларникига қараганда 2,5 баробар кўпроқ касалланишади [3,4]. Кўпинча, РА 40 ёшдан 70 ёшгача бўлган даврда бошланади, касаллик ёш ортган сайин ортади [5]. РА ўзига хос хусусияти - бу янги бўғимлар ва бўғимдан ташқари тизимларни жалб қилиш билан патологик жараёни юзага келишига, беморларнинг тез ногиронлигига олиб келадиган қайтмас ўзгаришларнинг шаклланишига олиб келадиган, шунингдек, терапияга сезувчанликнинг пасайиши билан тавсифланган ривожланиб боровчи кечиси билан тавсифланади. [6,7]. Ревматик касалликлар билан оғриган аҳоли сонининг ортиши амалий соғлиқни сақлаш тизими учун

катта қийинчиликлар туғдиради. Кўп факторли келиб чиқиши, мураккаб ва охиригача тўлиқ тушунилмаган патогенези туфайли ревматоидли артрит (РА) тадқиқотчилар диққат марказида қолмоқда [8].

Ҳозирда РА ни даволашда замонавий дори-воситалари синтетик базисли яллиғланишга қарши дори-воситалари (БЯҚД) ва генно-инженерияли биологик дори-воситалари (ГИБД) ишлатилишига қарамай проспектив олиб борилган тадқиқотларга кўра, аҳамиятли ўзгармаган. РА касаллигида коморбид ҳолатларга бўлган қизиқиш РА беморларни мақсадга интилгунга қадар даволаш – Treat to target (T2T) нинг асосий нуқтаси ҳисобланган даволашнинг турини танлаш, унинг самарадорлиги ва хавфсизлиги, ремиссияга етиш имкониятидан келиб чиқиб, йиллар сайин ошиб бормоқда. А.В.Гордеев фикрига кўра, мультиморбидлик ҳолатни баҳоламасдан туриб, умумий организмга, хусусан РА да T2T стратегиясини тўлиқ амалга ошириб бўлмайди [9,10].

**Тадқиқот мақсади.** РА беморларда коморбидлик учраш даражаси ва тизимини ўрганиш ва ҳаёт сифатини баҳолаш.

**Тадқиқот усуллари.** РА ташхиси Америка Ревматология Ассоциацияси (ACR) 1987 йил диагностика мезонлари ва 2010 йил ACR/EULAR таснифи бўйича аниқланган. Оғриқ интенсивлиги 100 мм визуал аналогли шкала (ВАШ) ёрдамида баҳоланди. РА фаоллигини баҳолаш учун замонавий EULAR тавсияларига мувофиқ DAS-28 индексидан фойдаланилган. РА DAS-28 индекси <2,6 гача бўлганда касаллик ремиссия ҳолатида, DAS-28 <3,2 (3,2 <DAS-28 <5,1)

